

Ўзбекистон Республикаси номидан
Х У К М

2021 йил декабрь ойининг 24 куни жиноят ишлари бўйича Зарафшон шаҳар судининг очик суд мажлиси ўз биносида,

Раислик этувчи Д.Хонбўтаева,

Т.Мирзаеванинг котиблигида, Зарафшон шаҳар прокурори ёрдамчиси Ш.Джалилов, судланувчилар Д.Алқарова ва Ғ.Одинаев ва уларнинг адвокати Д.Шариповнинг иштирокида, Алқарова Дильфуза Алгибековна ва Одинаев Ғолиб Исоқуловичга нисбатан 1-2102-2101/89 - сонли жиноят ишини кўриб чиқди, иш хужжатларига кўра:

Судланувчи Алқарова Дильфуза Алгибековна (Alkarova Dilfuza Algibekovna) 23.03.1983 йилда Навоий вилояти, Томди туманида туғилган, миллати қозоқ, Ўзбекистон фуқароси, муқаддам судланмаган, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, НКМК ДК МКБга қарашли “Ауминзо-Амантой” конида хўжалик бекаси, Зарафшон шаҳар, 11-кичик туман, 19-уй, 65-хонадонда яшайди, иш бўйича «муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат» эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2021 йил 9 ноябрь куни олган.

Судланувчи Одинаев Ғолиб Исоқулович (Odinaev G'olib Isoqulovich) 09.05.1986 йилда Бухоро вилояти, Ғиждувон туманида туғилган, миллати ўзбек, муқаддам судланмаган, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 3 нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, Зарафшон шаҳар, 6-кичик туман, 25-уй, 35-хонадонда доимий рўйхатда туриб, 4-кичик туман, 26-уй, 65-хонадонда яшайди, иш бўйича «муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат» эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2021 йил 9 ноябрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 2-қисми “б” банди ва 28,211-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини эшитиб, иш хужжатларини тафтиш қилиб, томонларнинг музокара сўзларини тинглаб, судланувчиларнинг музокара ва охириги сўзини эшитиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Судланувчи Одинаев Ғолиб Исоқулович (Odinaev G'olib Isoqulovich) 2021 йил 21 август кунидан ҳозирги кунга қадар ҳеч қаерда ишламасада, НКМК



ДК МКБга қарашли “Ауминзо-Амантой” конида хўжалик бекаси лавозимида ишловчи Алкарова Дильфуза Алгибековна (Alkarova Dilfuza Algibekovna) билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ шахслар бўлиб, унга мурожаат қилган ўзига таниш фуқароларга ўзини юқори лавозимларда ишловчи танишлари орқали уларни Навоий кон металлургия комбинати тизимида ишга жойлаштириш имкониятига эга бўлган шахс сифатида кўрсатиб, фуқаролар онгида фақат мансабдор шахсларга пора бериш орқали ишга жойлаштириш мумкинлиги тўғрисида тасаввур пайдо бўлишига ва уларни мансабдор шахсларга пора беришга қизиқтириб, фуқароларни алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан бойлик орттиришни режалаштирган.

Ушбу жиноий режага кўра, Ғ.Одинаев 2021 йил август ойида ўзига илгаридан таниш бўлган Д.Алқарованинг таниши Асилбеков Керейтбай Алданазаровични ўзининг юқори лавозимларда ишлаб келаётган танишлари орқали уни НКМК ДК Марказий кон бошқармаси тизимида ҳайдовчи сифатида ишга жойлаштиришга қодир бўлган шахс сифатида кўрсатиб, бунинг эвазига ушбу тизимда юқори лавозимларда ишлаб келаётган мансабдор шахсларга 700 АҚШ доллари миқдорида пора бериш лозимлигига ишонтириб, қонунга хилоф эканлигини билгани ҳолда НКМК ДК Марказий кон бошқармаси тизимида ишловчи танишига пора беришга далолат қилган ва Д.Алқарова билан 700 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини пора тариқасида бериш ҳақида келишувга эришган.

Ўз навбатида, К.Асилбеков 2021 йил 23 август куни Алқарова Дильфуза Алгибековна ва бошқаларнинг ҳаракатлари ноқонуний эканлигини билиб, ДХХнинг Зарафшон шаҳар бўлими бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилиб, фуқаро Д.Алқарова ва бошқаларга нисбатан қонуний чора кўришни сўраган.

Мазкур ҳолат юзасидан 2021 йил 24 август куни Департаментнинг Зарафшон шаҳар бўлими томонидан ДХХ ва ИИБ Зарафшон шаҳар бўлими ходимлари билан ҳамкорликда фуқаро К.Асилбековнинг аризасига асосан ўтказилган тезкор тадбирда, НКМК ДК МКБга қарашли “Ауминзо-Амантой” конида хўжалик бекаси вазифасида ишлаб келаётган Алқарова Дильфуза Алгибековна ариза муаллифи К.Асилбековни “Ауминзо-Амантой” конига Марказий кон бошқармасида кадрлар бўлими бошлиғи лавозимида ишловчи “Бекзод” исмли шахс ва бошқа танишлари орқали ишга киритиш эвазига 800 АҚШ доллари талаб қилиб, ушбу талаб қилган пулларни 24.08.2021 йил соат 22:40ларда Зарафшон шаҳар, 11-кичик тумандаги 19-уйнинг ёнида олган вақтда ашёвий далиллар билан ушланган.

Тезкор тадбир давомида фуқаро Д.Алқарова ўз айбига иқрорлигини билдириб, К.Асилбековни ишга киритиш эвазига олинган 800 АҚШ долларида 100 АҚШ долларини ўзига олиб қолиб, қолган 700 АҚШ долларини олдиндан келишувга асосан таниши Зарафшон шаҳридаги 12-сонли ЖИЭКда ишлаган “Ғолиб” исмли шахсга бериши кераклигини билдириб, Департаментнинг Зарафшон шаҳар бўлимига пушаймонлик аризаси билан мурожаат қилган.

Шу куни, Д.Алқарованинг пушаймонлик аризасига асосан тезкор тадбир давом эттирилиб, Зарафшон шаҳар, 11-кичик туман, 19-уй олдида келишилган 700 АҚШ долларини фуқаро Ғ.Одинаев ўзининг бошқарувидаги 85 R 743 НА



давлат рақамли оқ рангли “Жентра” русумли автомашинасида Д.Алқаровадан олган вақтда далилий ашёлар билан жиноят устида ушланган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Д.Алқарова айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2019 йилдан ҳозирги кунга қадар НКМК ДК МКБга қарашли “Амунзо-Амантой” конида хўжалик бекаси вазифасида ишлаб келишини, 2021 йил август ойида таниши Асилбеков Керейтбай Алданазарович билан иш масаласида суҳбатлашиб қолганлиги, суҳбат давомида таниши К.Асилбеков ишга кириши кераклигини айтганлиги, шунда К.Асилбековга ўзини танишлари борлигини, улар орқали ишга киргизиб қўйиши мумкинлигини айтганлиги ва ундан паспорт нусхаси ва ҳайдовчилик гувоҳномаси кераклигини айтиб, уни Ғолиб исмли таниши орқали ишга киритишини айтиб, эвазига 800 АҚШ доллари беришини талаб қилганлиги, К.Асилбеков унга пулларни ва ҳужжатларини тайёрлаб бўлганидан сўнг кўнғироқ қилишини айтганлиги, 2021 йилнинг 24 август куни ишдан уйга соат 20:40 ларда келган вақтида таниши К.Асилбеков унга кўнғироқ қилиб пулларни ва ҳужжатларини тайёрлаганлигини ва қаерда кўришиб ушбу нарсаларни беришини сўраганида, унга уйига яъни Зарафшон шаҳар, 11-кичик туман, 19-уйнинг олдида келишини айтганлиги, К.Асилбеков унга ўн дақиқалардан сўнг келишини айтганлиги, орадан 10 дақиқалар чамаси ўтганидан сўнг К.Асилбеков яқинлашганини айтганлиги, у Зарафшон шаҳар, 11-кичик туман, 19-уйнинг олдида чиққани, К.Асилбеков қора рангли машинадан тушиб, унинг олдида келганлиги ва иш тўғрисида биров суҳбатлашганлиги, К.Асилбеков унга ўзи билан олиб келган, у талаб қилган 800 АҚШ доллари ва ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳамда паспорт нусхасини унга берганлиги, у пулларни санаб, 800 АҚШ доллари эканлигига ишонч ҳосил қилгач, К.Асилбеков билан ўзаро хайрлашганлиги, уйи томон бир неча кадам юрганида унинг олдида бир нечта нотаниш фуқаролар келишиб, хизмат гувоҳномаларини кўрсатишиб, ўзларини Департамент ходимлари деб таништиришиб, икки нафар холис иштирокида ўзини таништиришини сўрашиб, биров олдин ким билан ва нима мақсадда учрашганлигини сўрашганлиги ва адвокат иштироки таъминланиб, адвокатдан фойдаланиш ҳуқуқи тушунтирилганлиги, у ўзини таништириб, биров олдин таниши К.Асилбеков билан учрашганлигини, уни таниши Ғолиб орқали ишга жойлаштириш учун 800 АҚШ доллари талаб қилиб, ушбу пулларни олганлигини айтгани ва айбига тўлиқ иқрорлигини тан олганлиги, сўнг биров олдин К.Асилбековдан олган 800 АҚШ долларини тезкор ходимларга тақдим қилганлиги ва ушбу пуллардан 100 АҚШ долларини олиб қолиб, қолган пулларни таниши Ғолиб исмли шахсга бериши кераклигини, у К.Асилбековни таниши орқали ишга киритмоқчи бўлганлигини айтганлиги ва ариза тақдим қилганлиги, шунда уни тезкор ходимлар Ғолиб исмли таниши билан телефонда гаплаштирганлиги, у Ғ.Одинаевга К.Асилбековдан 800 АҚШ доллари ва уни ҳужжатларини олиб қолганлигини айтганида, Ғ.Одинаев унга уйининг олдида келишини, шу ердан олиб кетишини айтганлиги, шу вақтда кўча шароити бўлганлиги сабабли тезкор ходимлар унга 700 АҚШ доллари ва К.Асилбековнинг ҳужжатларини таниши Ғ.Одинаевга бериши учун икки нафар холислар иштирокида у билан



ўрталарида бўлиб ўтган суҳбатни ёзиб олиш мақсадида овоз ёзиш диктафони билан бирга тақдим қилишганлиги, у Ғ.Одинаевга пулларни ва ҳужжатларни берганлиги тўғрисида махсус ишора беришга келишганлиги, шундан кейин, унга Ғ.Одинаев телефон қилиб, уйининг олдига келганлигини айтганлиги, тезкор ходимлар кузатиб туришганлиги, Ғ.Одинаев оқ рангли “Ласетти” русумли машинада келганлиги, у Ғ.Одинаевга пулларни ва ҳужжатларни берганлиги, Ғ.Одинаев пулларни олганлиги, ундан иш нима бўлишини сўраганида, у карьерга киргизишини айтганлиги, шундан сўнг Ғ.Одинаев билан ўзаро хайрлашиб, тезкор ходимларга олдиндан келишилган ишорани берганлиги, шунда тезкор ходимлар Ғ.Одинаевни ушлашганлиги, шундан кейин, тадбир иштирокчилари билан икки нафар холислар иштирокида Департаментнинг Зарафшон шаҳар маъмурий биносига борганлиги, у ерда “Зарафшон-Фемида” адвокатлик бюроси адвокати Шарипов Дилшод унга адвокатдан фойдаланиш ҳуқуқларини тушунтирганлиги, у адвокатдан фойдаланиш ҳуқуқидан воз кечганлиги, сўнг, у томонидан тақдим қилинган 100 АҚШ доллари махсус лампа ёрдамида текшириб кўрилганда кимёвий ишлов берилганлиги аниқлангани ва ушбу АҚШ доллари конвертга солиниб муҳрланганлиги, унинг ўнг қўлидан, чап қўлидан суртма наъмунаси олиниб конвертларга солиниб муҳрланганлиги, ушбу ҳолатлар бўйича холислар иштирокида баённома расмийлаштирилиб тадбир иштирокчиларига баланд овозда ўқиб эшиттирилгани, у таниши К.Асилбековдан олган 800 АҚШ долларини таниши Одинаев Ғолиб орқали ишга киритиш учун олганлиги, ушбу 800 АҚШ долларидан ўзига 100 АҚШ долларини олиб қолиб, Ғолиб исмли танишига 700 АҚШ долларини бермоқчи бўлгани, К.Асилбековни ишга киритиш масаласида олдинроқ Одинаев Ғолиб Исоқулович билан суҳбатлашганлиги, К.Асилбековни Одинаев Ғолиб НКМК ДК МКБга қарашли “Ауминзо-Амантой” конига кадрлар бўлими бошлиғи “Бекзод” исмли шахс орқали киритишини маълум қилганлиги, лекин у Одинаев Ғолибни назарда тутган ҳолда К.Асилбековни ишонтириш учун шунақа деганлиги, таниши Халимов Фарход Касимович ва дугонаси Онгарбаева Айнур Нургалиевналарга тегишли ҳужжатларни уларга ёрдам бериш ва бирор бир жойга киритиш учун олганлиги, лекин улардан бунинг эвазига пул ёки бирор бир моддий қимматликлар талаб қилмаганлиги, унга улар ҳеч қандай пул ёки моддий қимматликлар бермаганлиги, уни бошқаларни ишга киритишга ваколати йўқлиги, К.Асилбековни алдаб, пулини олиб ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатмоқчи бўлгани, қилмишидан пушаймонлиги, қилмишининг оқибатини тушуниб етганлиги, бугунги кунда уни ишдан бўшатишгани, оилавий шароитини инобатга олиб унга нисбатан қонуний енгиллик бериш тўғрисида кўрсатув берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Ғ.Одинаев айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2015 йил 2 сентябрь кунидан 2021 йил 23 август кунига қадар Зарафшон шаҳар, 12-сонли ЖИЭК ҳузуридаги “Зарафшон бунёдкор экспорт” ДУКда ҳисобчи лавозимида ишлаб келганлиги, 2021 йил август ойида Зарафшон шаҳрида яшовчи Д.Алқарова исмли аёл билан Зарафшон шаҳридаги “Сағдиана” кафесида танишиб қолганлиги, у билан суҳбат давомида Д.Алқарова ўзини Зарафшон



шаҳридаги НКМК ДК МКБга қарашли “Ауминзо-Амантой” конида ишчи бўлиб ишлашини айтганлиги, шунда Д.Алқарова бир таниши борлигини ва ишга кириши кераклигини айтганлиги, у Д.Алқаровага танишлари борлигини, улар орқали К.Асилбековни ишга киргизиб қўйиши мумкинлигини айтганлиги, Д.Алқарова унга ишга кириш учун нима ҳужжатлар талаб қилинишини сўраганида, у ишга кириш учун паспорт нусхаси кераклигини айтиб, танишлари орқали ишга киритиши эвазига 700 АҚШ доллари беришини талаб қилганлиги, шунда Д.Алқарова унга ҳужжатларини тайёрлаб бўлганидан сўнг қўнғироқ қилишини айтганлиги, 2021 йилнинг 24 август куни бир танишини туғилган кунида ўтирган вақтида соат 22:20лар атрофида унга Д.Алқарова қўнғироқ қилиб, иш масаласида таниши К.Асилбековдан пулларини олганлигини айтгани, у Д.Алқаровага “ҳозир бир жойдаман, бу ердан чиқиб, уйга қайтишимда пулларни ва ҳужжатларни олиб кетаман,”- деганлиги ва қаердалигини сўраганлиги, Д.Алқарова унга Зарафшон шаҳар, 11-кичик туман, 19-уй олдида келишини айтганлиги, орадан бир қанча вақт ўтганидан сўнг, у давлат рақами 85 R 743 НА бўлган оқ рангли “Ласетти” русумли машинаси билан Д.Алқарова айтган манзил томонга бориб, унга айtilган жойга келганлигини айтганлиги, Д.Алқарова унинг олдида келиб, у билан бироз вақт гаплашиб турганлиги ҳамда қўлидаги ҳужжатларни ва 700 АҚШ долларини унга берганлиги, у пулни ва ҳужжатларни олиб машинасининг барида солиб қўйганлиги, шундан сўнг Д.Алқарова билан хайрлашганлиги, сўнг машинада ўтирган вақтида унинг олдида бир нечта нотаниш фуқаролар келишиб, ўзларини Департамент ва ДХХ ходимлари деб таништиришиб, хизмат гувоҳномаларини кўрсатган ҳолда, унга ҳимояга бўлган ҳуқуқлари тушунтириш мақсадида ҳимоячи жалб қилинганлигини билдириб, ундан ўзини таништиришини, бироз олдин ким билан нима мақсадда кўришганлигини сўраганларида у ўзини Одинаев Ғолиб Исоқулович деб таништириб, бироз олдин таниши Алқарова Дильфуза исмли шахс билан унинг таниши К.Асилбековни ишга киритиши учун Д.Алқаровадан жами 700 АҚШ доллари билан биргаликда шахсига оид ҳужжатларини олиб қолганлигини айтгани, шундан сўнг, кўча шароити бўлганлиги сабабли тезкор ходимлар уларга ҳужжатларни расмийлаштириш учун Департаментнинг Зарафшон шаҳар бўлими маъмурий биносига боришларини илтимос қилгани ва улар Департаментнинг Зарафшон шаҳар бўлими маъмурий биносига борганлиги, адвокат Шарипов Дилшод томонидан унга ҳимояга бўлган ҳуқуқлари тушунтирилгани, сўнг, криминалист томонидан унинг қўллари махсус лампа ёрдамида текширилганда унинг қўлида махсус кимёвий кукун излари борлиги аниқланганлиги ва ўнг ва чап қўлларида суртмалар олиниб конвертларга солинганлиги, шунингдек, у таниши Алқарова Дильфузадан таниши К.Асилбековни ишга киритиши учун олган 700 АҚШ долларини тезкор ходимларга ихтиёрий тақдим қилганлиги, улар ушбу пулларни баённома билан солиштиришганда баённомадаги пуллар билан серия рақамлари бир эканлиги аниқланганлиги ва махсус лампа билан текшириб кўрилганда пуллар устида кимёвий кукун доғлари мавжудлиги аниқланганлиги, ашёвий



далиллар конвертларга солиниб муҳрланганлиги, бўлиб ўтган тадбир жараёнлари бевосита видеотасвирга олинганлиги, у Д.А.Алқаровадан олган 700 АҚШ долларини К.Асилбековни Зарафшон шаҳридаги НКМК ДК МКБга қарашли “Ауминзо Амантой” конига ишга киритаман деб олганлиги, ишга киритишга унинг умуман ваколати йўқлиги, ҳозирги кунда ишсизлиги, МКБга қарашли “Ауминзо-Амантой” конида унинг танишлари ҳам йўқлиги, бундан бошқа ҳеч кимдан ишга киритиш эвазига пул маблағлари ёки бирор бир моддий қимматликлар олмаганлиги, у К.А.Асилбековни ишга киритиш масаласида олдинроқ таниши Д.А.Алқарова билан 2 мартаба суҳбатлашганлиги, унинг бошқарувида бўлган давлат рақами 85 R 743 НА бўлган оқ рангли “Ласетти” русумли машинаси кўздан кечирилганда машина саломида мавжуд бир нечта фуқароларга тегишли ҳужжатларни уларни ишга киритаман деб алдаб олганлиги, аслида уни ишга киритиш ваколати йўқлиги, у фуқаролардан ушбу ҳужжатларни агарда улар ўзлари ишга кириб кетишса, кейин ўзлари бирор нима бериб кетади деган мақсадида олиб қўйганлиги, уларни ҳеч ким орқали киритмоқчи эмаслигини, улардан ҳеч қандай пул ёки бирор бир моддий қимматликлар олмаганлиги, шунчаки кейинчалик иш чиқиб қолса гаплашмоқчи бўлгани, агарда Зарафшон шаҳридаги НКМК ДК МКБга қарашли ташкилотларда суҳбат бўлса, суҳбатга юбориб ўзлари ишга кириб кетса, баъзи бирлари рози бўлиб, кўнглидан чиқариб унга пул бериб кетишини, шу пуллардан шахсий эҳтиёжлари учун фойдаланишини, фуқароларни ишга киритишга ваколати йўқлигини, фуқароларни алдаб, пулини олиб ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатмоқчи бўлгани, қилмишидан пушаймонлиги, қилмишининг оқибатини тушуниб етганлиги, оилавий шароитини инобатга олиб унга нисбатан қонуний енгиллик бериш тўғрисида кўрсатув берди.

Судланувчилар Д.Алқарова ва Ғ.Одинаевнинг айби ўзининг суддаги иқдорлик кўрсатмасидан ташқари суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳларнинг кўрсатувлари ҳамда қуйидаги далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиқланди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган К.Асилбеков ўз кўрсатмасида, Зарафшон шаҳар, 11-кичик туман, 19-уй, 65-хонадонда яшовчи таниши Алқарова Дильфуза билан иш масаласида суҳбатлашиб қолганлиги, суҳбат давомида таниши Д.Алқарова унга Зарафшон шаҳар МКБга қарашли “Ауминзо-Амантой” конида кадрлар бўлими бошлиғи “Бекзод” исмли шахс ва бошқа танишлари орқали ишга киргизиб қўйиши мумкинлигини айтганлиги, шунда у Д.Алқаровага ишга кириш учун нима ҳужжатлар талаб қилинишини сўраганлиги, Д.Алқарова унга ишга кириш учун паспорт нусхаси ва ҳайдовчилик гувоҳномаси кераклигини айтиб, уни ишга киргизиб қўйиши эвазига 800 АҚШ долларини пора тариқасида талаб қилганлиги, у Д.Алқаровага пулларни ва ҳужжатларини тайёрлаб бўлганидан сўнг кўнғироқ қилишини айтганлиги, шундан кейин, жорий йилнинг 23 август куни у Д.Алқарованинг ушбу хатти-ҳаракатлари ноқонуний эканлигини билиб, унга нисбатан қонуний чора кўришларини сўраб, ДХХнинг Зарафшон шаҳар бўлими бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилиб аризасига Д.Алқарова билан ишга кириш масаласи бўйича ўрталарида бўлиб ўтган



сўзлашувлар ёзилган дискни аризасига илова қилганлиги, шундан сўнг, 24.08.2021 йилда аризаси юзасидан Департаментнинг Зарафшон шаҳар бўлимига чақирилганлиги, у ерда унинг аризасидаги важларни текшириб кўриш учун тезкор тадбир режалаштирилганлиги, Департаментнинг Навоий вилоят бошқармаси махсус кассасидан олинган 100 АҚШ доллари купюрасидаги 8 дона жами 800 АҚШ доллари унга тадбирда ишлатиш учун тақдим этиш мақсадида кўздан кечирилганда куйидагилар аниқланганлиги, тезкор тадбирда фойдаланиш учун Департаментнинг Навоий вилоят бошқармаси махсус кассасидан олинган 800 АҚШ доллари пуллар олиниб, икки нафар холислар иштирокида кўздан кечирилганлиги, ушбу пуллар холислар иштирокида кўздан кечирилганида 8 дона 100 АҚШ доллари купюраларда эканлиги аниқланиб, уларнинг серия ва рақамлари куйидагича эканлиги аниқланганлиги, яъни МК 78275686 В, МВ 70824312 К, LF 43178078 Н, ML 51891222 С, МК 78275689 В, МК 78275616 В, МК 78275685 В, ML 25381939 С, сўнгра, ушбу серия ва рақамли 100 АҚШ доллари купюрасидаги пуллардан 2 донаси алоҳида танлаб олиниб, ML 51891222 С ва ML 25381939 С серия рақамли АҚШ доллари купюраларига махсус қалам билан “Пора 2021” ёзувлари киритилганлиги, шундан сўнг, ушбу пулларга махсус кукун ёрдамида ишлов берилиб, махсус лампа ёруғлигида мутахассис томонидан холислар иштирокида кўздан кечирилганда, юқоридаги серия ва рақамли пулларда “Пора 2021” ёзувлари борлиги ҳамда махсус кукуннинг сарғиш рангли доғлари мавжудлиги аниқланганлиги, сўнгра, тоза оқ пахтадан намуна олиниб, 1-сонли конвертга солингани, махсус қаламдан намуна олиниб, 2-сонли конвертга ва махсус кимёвий кукундан оқ пахтага олинган намуна 3-сонли конвертга солиниб, иштирокчилар томонидан имзоланганлиги ва муҳрланганлиги, кимёвий ишлов берилган мазкур 800 АҚШ доллари пуллар, паспорт нусхаси ва ҳайдовчилик гувоҳномасининг асли почта конвертига солиниб, унинг аризасидаги ҳолатларни текшириб кўриш учун холислар иштирокида унга тақдим қилинганлиги, бундан ташқари, бир дона қора рангли овоз ёзиш мосламаси холислар иштирокида кўздан кечирилиб, ичида ҳеч қандай бошқа аудиоёзувлар мавжуд эмаслиги аниқлангани ҳамда ушбу овоз ёзиш диктофони Д.Алқарова билан ўртасида бўладиган суҳбатни ёзиб олиш учун унга тақдим қилинганлиги, ушбу жараёнлар бевосита “Panasonic” русумли видеокамерага видеотасвирга олинганлиги, шундан сўнг, у кимёвий ишлов берилган пулларни олдиндан келишувга асосан Д.Алқаровага беришга ва у пулларни олгандан кейин тезкор ходимларга тегишли ишорани беришга келишиб олганлиги, кейин, у Д.Алқаровага кўнғироқ қилганлиги ва пора тариқасида талаб қилган 800 АҚШ долларини тайёрлаганлиги, паспорт нусхаси ҳамда ҳайдовчилик гувоҳномасини аслини ҳам олганлиги, пуллар ва ушбу ҳужжатларни биргаликда Д.Алқарованинг кадрлар бўлимида ишловчи танишига олиб бориб берсак бўладими деб сўраганида Д.Алқарова унга ишдан эндигина келганлиги, чарчаганлиги, пуллар ва ҳужжатларни олиб, у ҳозирда яшаб келаётган Зарафшон шаҳар, 11-кичик тумандаги 19-уйнинг ёнига олиб келишини айтганлиги ва пулларни ҳамда ҳужжатларни эртага “Ауминзо-Амонтой” конига бориб, кадрлар бўлимида ишловчи танишларига



беришини айтганлиги, шунда у ўша куни мактабда нарядда турганлиги ва текшириш келиб қолиши мумкинлигини ва биров шошиб турганлигини айтганлиги, Д.Алқарова унга “келавер чиқиб олиб қоламан пулларни ва ҳужжатларни”,- деганлиги, шундан кейин, у тезкор ходимлар кузатуви остида таксида Зарафшон шаҳар, 11-кичик тумандаги 19-уйнинг олдида борганида, Д.Алқарова чиқиб келганлиги ва улар уйга кириш эшиги олдида жойлашган ўриндиққа ўтирганлиги, Д.Алқарова билан уни ишга киритиш масаласида биров суҳбатлашганликлари, тезкор ходимлар уларни узоқроқдан кузатиб туришганлиги, шунда у ўзини ёнида мавжуд бўлган конвертга солинган 800 АҚШ доллари, паспорт нусхаси ва ҳайдовчилик гувоҳномаси аслини Д.Алқаровага узатганлиги ва пулларни ҳам берганлиги, Д.Алқарова АҚШ долларларини санаб олганлиги, шундан кейин, у тезкор ходимларга Д.Алқарова билан олди-берди амалга ошганлиги тўғрисида олдиндан келишилган ишорани берганлиги ва Д.Алқарова билан ўзаро хайрлашганлиги, шу вақтда тезкор ходимлар келиб Д.Алқаровани ушлашганлиги, Д.Алқарова уни Зарафшон шаҳар МКБга қарашли “Ауминзо-Амантой” конига у ерда кадрлар бўлими бошлиғи “Бекзод” исмли шахс ва бошқа танишлари орқали ишга киритишни ваъда қилганлиги, яъни 800 АҚШ долларини МКБга қарашли “Ауминзо-Амантой” кони кадрлар бўлими бошлиғи “Бекзод” исмли шахсга ва бошқа танишларига бериб ишни ҳал қилишини айтганлиги, уни Д.Алқаровага ҳеч қандай шахсий адовати йўқлиги, Ғ.Одинаевни танимаслигини, ушбу шахсни Департамент ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда ушланганда кўрганлиги тўғрисида кўрсатув берди.

Шунингдек, судланувчилар Д.Алқарова ва Ғ.Одинаевнинг айби жиноят ишида мавжуд бўлган К.Асилбековнинг аризаси юзасидан ўтказилган тезкор тадбир юзасидан тўпланган ҳужжатлар, аризага илова CD-R дискни эшитиб кўриш тўғрисида баённома, пулларни кўздан кечириш, махсус кимёвий ишлов бериш ва овоз ёзиш диктафони билан бирга фуқарога бериш тўғрисида баённома, воқеа жойини кўздан кечириш ҳамда ашёвий далилларни олиб қўйиш тўғрисидаги баённома ва фуқаро Д.Алқарованинг қўл чизмалари, Д.Алқарованинг айбини бўйнига олиш тўғрисидаги аризаси, Ғ.Одинаевнинг қўл чизмалари, Ғ.Одинаевнинг бошқарувида бўлган автотранспорт воситасини кўздан кечириш баённомаси, Д.Алқарованинг қўл телефонидан олинган фотолавҳалар, К.Асилбековга топширилган диктафонни қабул қилиб олиш ва эшитиб кўриш ҳақида баённома, Д.Алқаровага топширилган диктафонни қабул қилиб олиш ва эшитиб кўриш ҳақида баённома, суд кимёвий экспертизаси хулосаси, ҳужжатларни ёзма далил деб эътироф этиш ва жиноят ишига қўшиб қўйиш ҳақида қарор билан тўлиқ исботини топди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчилар Д.Алқарова ва Ғ.Одинаевнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,168-моддаси 2-қисми “б” банди ва 28,211-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб топади, чунки Д.Алқарова ва Ғ.Одинаев олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ шахслар бўлиб, К.Асилбековни ўзининг юқори лавозимларда ишлаб келаётган танишлари орқали уни НКМК ДК



Марказий кон бошқармаси тизимига ҳайдовчи сифатида ишга жойлаштиришга қодир бўлган шахс сифатида кўрсатиб, бунинг эвазига ушбу тизимда юқори лавозимларда ишлаб келаётган мансабдор шахсларга пора бериш лозимлигига ишонтириб, пора беришга далолат қилиб, К.Асилбековнинг 800 АҚШ доллари пулларини фирибгарлик йўли билан олган вақтида далилий ашёлар билан жиноят устида ушланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фирибгарликка оид ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 7-бандига кўра, мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, мазкур мулк айбдор ёки бошқа шахсларнинг ғайриқонуний эгаллигига ўтган ва улар ундан хоҳлаган тарзда фойдаланиш ёки тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлган пайтдан тугалланган деб топилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 15-бандига кўра, агар айбдор пора берувчидан мансабдор шахсга бериш учун деб пора тариқасида пул ёки бошқа бойликларни олганида ва бундай қилмишни хоҳламасдан, уларни ўзлаштириб юборганда, қилмиш фирибгарлик деб тавсифланиши лозим. Бойликларни қўлга киритиш мақсадида пора берувчи улар томонидан пора беришга оғдирилган тақдирда айбдорнинг ҳаракатлари фирибгарликдан ташқари пора беришга қизиқтирувчи тариқасида кўшимча тавсифланиши керак. Пора берувчининг ҳаракати бундай ҳолларда пора беришга суиқасд деб тавсифланиши лозим бўлади. Бу ўринда пора берилиши мўлжалланган муайян мансабдор шахс айтилган-айтилмаганлигининг аҳамияти бўлмайди.

Суд Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига кўра судланувчи Д.Алқарованинг айбига иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгидан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб топади, ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар судда аниқланмади.

Шу асосларга кўра, Д.Алқаровага нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда, ишдаги барча енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатларнинг йўқлигини назарда тутиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 3-бандига ва Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги тўғрисидаги раҳбарий кўрсатмасига амал қилиб, унинг айбига иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгидан пушаймонлигини, аёл киши эканлигини, муқаддам судланмаганлигини, жиноятни очишга ёрдам берганлигини инобатга олиб, унга ЖКнинг 25,168-моддаси 2-қисми “б” банди билан қонун санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, 28,211-моддасининг 1-қисми билан ЖК 57-моддасини қўллаб, қонун санкциясида назарда тутилмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, 59-моддаси тартибида, тайинланган жазоларни қисман кўшиш йўли билан, узил-кесил жазо тайинлашни лозим топади.



Суд Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига кўра судланувчи Ғ.Одинаевнинг айбига иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгидан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб топади, ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар судда аниқланмади.

Шу асосларга кўра, Ғ.Одинаевга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда, ишдаги барча енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатларнинг йўқлигини назарда тутиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги Қарорининг 3-бандига ва Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги тўғрисидаги раҳбарий кўрсатмасига амал қилиб, унинг айбига иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини инобатга олиб, унга ЖКнинг 25,168-моддаси 2-қисми “б” банди билан қонун санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, 28,211-моддасининг 1-қисми билан ЖК 57-моддасини қўллаб, қонун санкциясида назарда тутилмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, 59-моддаси тартибида, тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан, узил-кесил жазо тайинлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 45-моддасига кўра, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш айбдорнинг мансаби ва ёки иш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган жиноятни содир этганлиги учун асосий ёки қўшимча жазо чораси тариқасида тайинланиши белгиланган.

Суд Ғ.Одинаевнинг ҳеч қаерда ишламаслиги, Д.Алқарованинг НКМК ДК МКБга қарашли “Ауминзо-Амантой” конида ҳўжалик бекаси вазифасида ишлаганлиги, ҳозирги кунда ишдан бўшатирилганлиги, ҳар иккиси ҳам жиноятни мансаби ва ёки иш фаолияти билан боғлиқ ҳолда содир этмаганлиги, уларнинг ишга қабул қилиш билан боғлиқ қонуний ваколатлари бўлмаганлигини эътиборга олиб ЖК 45-моддасига асосан қўшимча жазо тайинламасликни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Пораҳўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 16-17-бандига кўра, пора берувчиларни порада товламачилик ёки пора берганлик тўғрисида ихтиёрий ариза бериш асосларига кўра жиноий жавобгарликдан озод этиш бу шахсларнинг ҳаракатларида жиноят таркиби йўқлигини билдирмайди. Шу сабабли улар жабрланувчи деб топилмайди ва пора тариқасида берилган бойликларни қайтариб олишни талаб қилишга ҳақли эмаслар. Агар жабрланувчи пора талаб қилинганлиги ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилган бўлиб, тезкор тадбир давомида жабрланувчининг мулкидан пора предмети тариқасида фойдаланилган бўлса, ушбу мулк Жиноят-процессуал кодекси 211-моддасининг 4-бандига асосан жабрланувчига қайтарилиши лозим, бошқа ҳолатларда пора предмети суд ҳукми билан давлат эгалигига ўтказилади.



Юқоридаги асосларга кўра суд, далилий ашё тарихида олинган Департаментнинг вилоят бошқармаси ва Зарафшон шаҳар бўлими ходимлари томонидан холислар иштирокида тезкор тадбирни ўтказиш давомида тоза бинтдан олинган намуна солинган 1-сонли конверт, махсус қаламдан олинган намуна солинган 2-сонли конверт, махсус кукундан олинган намуна солинган 3-сонли конверт, Д.Алқарованинг қўлидан ўнг қўлидан тоза оқ бинтга олинган суртма намунаси 5-сонли конверт, Д.Алқарованинг чап қўлидан тоза оқ бинт олинган суртма намунаси 6-сонли конверт, Ғ.Одинаевнинг ўнг қўлидан олинган тоза оқ бинтга олинган суртма намунаси 9-сонли конверт, Ғ.Одинаевнинг чап қўлидан тоза оқ бинтга олинган суртма намунаси 10-сонли конверт, сўроқ баённомалари, Департаментнинг Зарафшон шаҳар бўлими томонидан 26.08.2021 йилда тузилган маълумотнома, Департаментнинг Зарафшон шаҳар бўлими томонидан 24.08.2021 йилда пулларни кўздан кечириш, махсус кимёвий ишлов бериш ва овоз диктофони билан бирга фуқарога бериш тўғрисида тузилган баённома, аризачи К.Асилбеков томонидан аризага илова сифатида тақдим этган CD-R дискни қабул қилиб олиш ва эшитиб кўриш тўғрисидаги 23.08.2021 йилдаги баённома, воқеа жойини кўздан кечириш ҳамда ашёвий далилларни олиб қўйиш ҳақидаги 24.08.2021 йилда тузилган баённома, Одинаев Ғолиб Исоқуловични бошқарувида бўлган 85 R 743 НА давлат рақамли оқ “Жентра” русумли автомашинани кўздан кечириш баённомаси, Алқарова Дильфуза Алгибековнанинг 24.08.2021 йилдаги Департаментнинг Зарафшон шаҳар бўлими бошлиғи номига ёзган айбига иқрорлик ва чин кўнгилдан пушаймонлик тўғрисидаги аризаси, судга оид кимёвий экспертизанинг 22.09.2021 йилдаги 150-сонли хулосаси, К.Асилбековнинг аризасига илова қилинган К.Асилбеков ва айбланувчи Д.Алқаровалар ўртасида бўлиб ўтган суҳбатлар ёзилган 1 дона “COMBYE” номли яшил рангли “дастлабки запись” ёзувлари ёзилган CD-R диск, тезкор тадбир давомида аризачи К.Асилбеков ва Ғ.Одинаев ўрталарида бўлиб ўтган суҳбатлар ёзиб олинган 1 дона “COMBYE” номли CD-R русумли компакт диск, шунингдек тезкор тадбир жараёнлари ёзиб олинган 3 дона “Leadisk” номли оқ рангли 8 дона видео ёзувлар туширилган DVD+R дисклар ҳамда айбланувчи Ғ.Одинаевнинг бошқарувида бўлган 85 R 743 НА давлат рақамли оқ “Жентра” русумли автомашинани кўздан кечириш жараёни ёзиб олинган 1 дона “MIRRO” номли DVD+R дискларни жинойт иши билан биргаликда сақлашликни лозим топади.

Шунингдек, АТИБ “Ипотека банк” Зарафшон филиалида сақланаётган 200 АҚШ долларини Департаментнинг махсус кассасига қайтаришликни, тезкор тадбирда ишлатилган 500 АҚШ доллари бошқарма тезкор бўлим катта инспектори Э.Аҳтамовга тилхат асосида қайтарилганлиги сабабли муҳокамадан чиқаришликни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддаларига мувофиқ, суд

Х У К М Қ И Л А Д И :



Судланувчи Алкарова Дильфуза Алгибековна (Alkarova Dilfuza Algibekovna) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 2-қисми “б” банди ва 28,211-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 2-қисми “б” банди билан иш ҳақининг 15 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,211-моддасининг 1-қисми билан ЖК 57-моддаси қўлланиб, иш ҳақининг 15 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 6 (олти) ой аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида, тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан, узил-кесил иш ҳақининг 15 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси жазо ижросини назорат қилувчи орган томонидан белгиланган жойларда ўтатирилсин ва жазони ўташ муддати маҳкум иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Иш бўйича қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Судланувчи Одинаев Ғолиб Исоқулович (Oдинаев G'olib Isoqulovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 2-қисми “б” банди ва 28,211-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 2-қисми “б” банди билан иш ҳақининг 15 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 6 ой аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,211-моддасининг 1-қисми билан ЖК 57-моддаси қўлланиб, иш ҳақининг 15 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 6 (олти) ой аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида, тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан, узил-кесил иш ҳақининг 15 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 6 (олти) ой аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси жазо ижросини назорат қилувчи орган томонидан белгиланган жойларда ўтатирилсин ва жазони ўташ муддати маҳкум иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Иш бўйича қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Далилий ашё тариқасида олинган Департаментнинг вилоят бошқармаси ва Зарафшон шаҳар бўлими ходимлари томонидан холислар иштирокида тезкор тадбирни ўтказиш давомида тоза бинтдан олинган намуна солинган 1-сонли конверт, махсус қаламдан олинган намуна солинган 2-сонли конверт, махсус кукундан олинган намуна солинган 3-сонли конверт, Д.Алкарованинг кўлидан ўнг кўлидан тоза оқ бинтга олинган суртма намунаси 5-сонли конверт, Д.Алкарованинг чап кўлидан тоза оқ бинт олинган суртма намунаси



6-сонли конверт, Ғ.Одинаевнинг ўнг қўлидан олинган тоза оқ бинтга олинган суртма намунаси 9-сонли конверт, Ғ.Одинаевнинг чап қўлидан тоза оқ бинтга олинган суртма намунаси 10-сонли конверт, сўроқ баённомалари, Департаментнинг Зарафшон шаҳар бўлими томонидан 26.08.2021 йилда тузилган маълумотнома, Департаментнинг Зарафшон шаҳар бўлими томонидан 24.08.2021 йилда пулларни кўздан кечириш, махсус кимёвий ишлов бериш ва овоз диктофони билан бирга фуқарога бериш тўғрисида тузилган баённома, аризачи К.Асилбеков томонидан аризага илова сифатида тақдим этган CD-R дискни қабул қилиб олиш ва эшитиб кўриш тўғрисидаги 23.08.2021 йилдаги баённома, воқеа жойини кўздан кечириш ҳамда ашёвий далилларни олиб қўйиш ҳақидаги 24.08.2021 йилда тузилган баённома, Одинаев Ғолиб Исоқуловични бошқарувида бўлган 85 R 743 НА давлат рақамли оқ “Жентра” русумли автомашинани кўздан кечириш баённомаси, Алкарова Дильфуза Алгибековнанинг 24.08.2021 йилдаги Департаментнинг Зарафшон шаҳар бўлими бошлиғи номига ёзган айбига иқрорлик ва чин кўнгилдан пушаймонлик тўғрисидаги аризаси, судга оид кимёвий экспертизанинг 22.09.2021 йилдаги 150-сонли хулосаси, К.Асилбековнинг аризасига илова қилинган К.Асилбеков ва айбланувчи Д.Алқаровлар ўртасида бўлиб ўтган суҳбатлар ёзилган 1 дона “COMBYE” номли яшил рангли “дастлабки запись” ёзувлари ёзилган CD-R диск, тезкор тадбир давомида аризачи К.Асилбеков ва Ғ.Одинаев ўрталарида бўлиб ўтган суҳбатлар ёзиб олинган 1 дона “COMBYE” номли CD-R русумли компакт диск, шунингдек тезкор тадбир жараёнлари ёзиб олинган 3 дона “Leadisk” номли оқ рангли 8 дона видео ёзувлар туширилган DVD+R дисклар ҳамда айбланувчи Ғ.Одинаевнинг бошқарувида бўлган 85 R 743 НА давлат рақамли оқ “Жентра” русумли автомашинани кўздан кечириш жараёни ёзиб олинган 1 дона “MIRRO” номли DVD+R дисклар жиноят иши билан биргаликда сақлансин.

АТИБ “Ипотека банк” Зарафшон филиалида сақланаётган 200 АҚШ доллари Департаментнинг махсус кассасига қайтарилсин.

Ҳукмдан норози томонлар 20 сутка ичида, судланувчилар уларга ҳукм нусхаси топширилган кундан бошлаб шу муддат ичида шу суд орқали Навоий вилоят судига апелляция тартибида шикоят, прокурор протест келтиришга ҳақлидир.

Раислик этувчи:

Д.Хонбўтаева

Раислик этувчи:

имзо

Д.Хонбўтаева

Аслига тўғри:



